

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ИШҚ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА “РОМЕО ВА ЖУЛЬЕТТА”

Сувон Мели,
филология фанлари доктори

Мир Алишер Навоийнинг муаззам ижоди, ҳар бир мисра ва байти, боб ва бутун асаридан эликсирдай (ал-иксир, оби-ҳаёт) сизиб ўтувчи бир туйғу ва уюшиб махсус категорияга айланувчи ғоя борки, бу ишқ ғояси, концепциясидир. Шу ерда бир изох. Ҳар қандай категория ҳам аввал туйғу бўлган ва ўзининг юқори чўққисида яна туйғуга қайтади, агар туйғуга қайтмайдиган бўлса, у инсоний тафтдан маҳрум бўлиб, яроқсиз матоҳга айланади. Худди шундай ишқ ҳам туйғу ҳам категориядир.

Ҳазрат Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида зарб қилган “Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун, Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун” байтини ҳар қадамда тўтидек такрорламасдан асл моҳиятига кирадиган бўлсак, бунда улкан маъно дарж этилганини кўриш мумкин. Ружу санъати воситасида катта жаҳд билан битилган байтда Ишқ маконлар (икки жаҳон) дангина эмас, Яратганнинг тилсими ва мўъжизаси бўлмиш Жондан ҳам (жон бўлмасун) юксак рутбага қўйилмоқда.

Бунинг устига, Ишқ Жон билан бежиз бақамти қўйилмаган. Ҳазрат Навоий таъбирича, “башарият кўзи нури ва зиёси андин” тирик инсон жон соҳиби бўлар экан, ишқ жон таркибида, жоннинг қон-қонига синггандир. “Қуръони карим”да айтилмиш:

“Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (таъкид бизники – С.М.) (Одамдан) яратган ва ундан жуфтани (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорнгиздан қўрқингиз” (“Нисо” сураси, 1-оят).

Аллоҳ каломиди битилганидек, “Бир жондан” яралган инсон қалбида. Руҳиятида Ишқ азалий туйғу тарзида жойланган. Замонавий тил билан айтганда, инсон жони ва қалби ишқ туйғуси асосида кодлаштирилган. Яъни Аллоҳ ишқ орқали яратиғини Ўзига боғлаган, вобаста қилганки, Ҳазрат Навоий ёзади: “... Аҳли ишқ маъшук вужуди бирла қоимдурлар... ва ула маъшук ҳусндин иборатдурким “Инналлоҳа жамилун юҳибб ул-жамол”...

Ушбу ҳадис, ўзбекчаси “Ҳақиқатда Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севади”, аниқ-тиник кўрсатадики, маъшук, сал кейин айтилган “ҳусн султони”, шубҳасиз Аллоҳдир.

Биламизки, Ишқ одатда иккига ажратилади: “Ишқ икки хилдир: ҳақиқий ва мажозий. Ҳақиқий ишқ – Аллоҳга, мажозий ишқ эса Аллоҳ яратган нарсалар,

одам ва олам гўзаллигига ошиқлик эрур”¹. Бунда ишқнинг фундаментал моҳияти, сифат даражаси мукамал акс этган. Бинобарин. Тил, яъни сўз қаърида буюк билим мавжуд. Ишқнинг икки хил номланиши шунга мисол. Луғатда мажоз сўзининг икки маъноси кўрсатилган. 1. Ўзининг туб маъносида тшлатилмай, бирор муносабат ва ўхшатиш орққали бошқа бир маънода ишлатилган сўз, метафора; аллегория. 2. ҳақиқий эмас”². Яна шу ерда Ишқи мажозий – ҳақиқий бўлмаган, зоҳирий ишқ, дея кўрсатилади.

Демак, ушбу бўлинишдаёқ, ишқи ҳақиқий ўз номи билан асл ишқ, ишқи мажозий эса ҳақиқий бўлмаган, зоҳирий ва ҳатто ёлғон ишқ деган улуғ ғоя манаман деб турибди.

Яқин тарихдан биламизки, моддиюнчиликни байроқ қилган совет мафкураси зоҳирий ишқни аъмол даражасига кўтарди. Ўтган асрнинг 70-йилларида нашр этилган “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида “Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Ишқ зикрида” боби ҳақидаги ўринда ёзилади: “Навоийда баъзан мистик ишққа берилиш каби кайфиятларнинг арийим элементлари мавжуд бўлса-да, лекин улар унинг ижоди учун асло характерли эмас”³.

Қизиғи шундаки, ушбу фикрнинг нақ тескариси тўғридир. Бу дегани, биз буюк шоир ижодида мажозий ишқ йўқ, демоқчи эмасмиз, лекин ушбу зоҳирий, дунёвий ишқ ишқи ҳақиқий томон юксалиш пиллапоёси эканлигини, уларни қарама-қарши қўйиш тўғри эмаслигини қайд этамиз, холос. Зеро ҳазрат Навоийнинг соҳир тасвирида дунёвий, ҳаётий ишқ ишқи ҳақиқийнинг нозик ва хос тажаллийси кабидир. Эркак ва аёл ўртасидаги муҳаббат ўзининг оташин нуқтасида ишқи ҳақиқий, Яратганга муҳаббат рутбасига чиқиши тайиндир.

Ҳазрат Навоий азалдан маълум ва машҳур ушбу тасниф билан чекланмайди, ўз умри охирларида битган “Маҳбуб ул-қулуб” асаридаги (2-қисм, 10-боб) “Ишқ зикрида” бобида буюк ижодкорнинг ишқ концепцияси тўлиқ ва системали тарзда баён этилган.

Биз юқорида муайян фикрлар исботи учун ушбу бобдан айрим иқтибослар келтирган эдик. Энди унга батафсил тўхталмоқчи вва сўнг кейинги мулоҳазаларга ўтмоқчимиз.

Бобда Ҳазрат Навоий Ишқни уч қисмга ажратади:

“Аввалғи қисм. Авом ишқидурким, авом ун-нос орасида бу машҳур ва шоеъдурким, дерлар: “Фалон фалонга ошиқ бўлубтур”. Бу ёғини насрий баёнда келтирамиз. “Бу хилдаги одамлар кимгадир ошиқ бўлиб. изтироб чекиб, шунинг

¹ Алишер Навоий. ТАТ. Ўн жилдлик. 2-жилд. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2011. 731-бет. (Изоҳлардан)

² Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. Тошкент: ЎзССР Фандлар академияси нашриёти, 1953. 174-бет.

³ Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2-том. Тошкент: Фан, 1978. 350-бет.

хаёли билан юрадилар. Бу ишқ жисмоний лаззат ва шаҳвоний нафс билан чегараланадики, олий мартабаси – шаърий никоҳдир”. Мутафаккир бундай ишқнинг қуйи даражасини ҳам қайд этади.

Иккинчи қисм. Хавосс ишқидурким, хаввос ул ишққа мансубдурлар. У пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин кўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий пок жамолидин баҳра олмоқ”) таъкид бизники - С.М.)

“Учунки қисм. Сиддиқлар ишқидурким, алар Ҳақнинг тажаллиёти жамолига мазоҳир воситасидин айру вола ва мағлубдурлар”. Давоми насрий баёнда: “Уларнинг Ҳақни кўз билан мушоҳада қилиш умидлари ўзни унутиш даражасига етган ва бундан ҳам ўтиб, ҳалок бўлиш мақомига (истилоҳ мақоми) кўтарилган бўлади”.⁴

Ушбу тасниф нуқтаи назаридан Ғарб уйғониш даврининг буюк вакили Вильям Шекспирнинг дунёга машҳур “Ромео Жульетта” трагедиясида кўрсатилган севги-муҳаббат Ишқнинг қайси қисмига кирадики, бу у қадар жўн савол эмас. Унга жавоб беришдан олдин бир методологик мулоҳазани айтмоқ жоиз. Биз, ўзбек адабиётшунослари шу пайтга қадар аксарият Россия ва Ғарбда пайдо бўлган ғоя ва принциплар асосида ўзимиздаги мумтоз ва замонавий адабиёт намуналарини таҳлил ва тадқиқ этиб келдик. Бу табиий ҳам эди. Чунки улар янги даврда эстетик тафаккур борасида биздан анча илгарилаб кетишган эди. Афсуски, ҳозир ҳам шундай.

Бу сафар терс тарафдан бориб. Европа ва жаҳоннинг машҳур асарини Алишер Навоийга олға сурган концепция асосида кўриб ўтсак қандай бўларкан? Нега бўлмасин.

Шундай қилиб. Роме а Жульеттанинг фожей муҳаббати қайси ишқ турига киради ва бундан қакндай фалсафий-ахлоқий хулосалар чиқади?

Аввал россиялик машҳур парапсихолог ва ёзувчи Сергей Николаевич Дазаревнинг “Келажак одами. Ота-оналар тарбияси” китобида асао ҳақидаги фикрини келтирсак. У ёзади: “Ромео ва Жульеттани эсланг. Нега икки севишганнинг тақдири оламдаги энг ҳамгин қисса? Чунки у икки ёшнинг қалб таназзули ҳақидаги қиссадир. Бу қисса – Ғарб тамаддуни устидан чиқарилган ҳукмдир. Ёш ва гўзал икки инсоннинг муҳаббати эҳтиросга айланди ва бу эҳтироснинг асоси Илоҳий туйғу эмас, ҳайвоний, жисмоний нафсдир”⁵.

Шундай экан, Ромео ва Жульетта севгиси Ҳазрат Навоий уч қисмга ажратган ишқнинг қайси турига киради, деган савол кўндаланг бўлади. Улар ишқи қанчалик поэтик гўзал ва эҳтиросли тасвирланган бўлмасин, уни

⁴ Алишер Навоий. ТАТ. Ўн жилдлик. 9-жилд. Тошкент: Ғ.Ғулом ижод-матбаа уйи, 2011. 498, 508-бетлар.

⁵ Лазарев С.Н. ЧЕловек будущего. Воспитание родителей. Ч, 2. СПб, 2008. С. 110-111.

биринчи, яъни авом ишқига киритишга мажбурмиз. Бу ишқ ҳам Ҳазрат Навоий ёзган “жисмоний лаззат ва шахвоний нафс билан” чекланадики, улар жисман ҳалок бўлишлари ҳам айна шу ҳолат билан боғлиқ. Асарда ошиқларгап хайрихоҳ роҳиб Лоренсо образи бор. У бир ҳийла ишлатиб икки севишганни кутқақрмоқчи, қовуштирмоқчи бўлади, лекин ҳийла амалга ошмай, ҳар иккиси ҳам ҳалок бўлади. Лоренсо образи ҳақида шекспиршунос А.Смирнов шундай ёзади: “У фақат кўринишда роҳиб; мартабаси ва либосидан бошқа ўзида ҳам, гап-сўзида ҳам черковдан нишон йўқ. Севишганлар билан гаплашар, панд-насихат қилар экан, у ҳеч қачон Худо ҳақида, Унинг қудрати ва донишмандлиги борасида чурқ этмайди”⁶. Бу баҳо совет даврида мақтовга лойиқ саналса, аммо катта илоҳий ҳақиқатлар нуқтаи назаридан образ, асар, Шекспир ва Ғарб Уйғониш даври дунёқарашидаги улкан кусурни кўрсатади. Роҳиб Лоренко трагедиядаги сўнгги гапида

Қиз уйғонгач, мен ялиниб илтимос қилдим:

Дарҳол чиқиб бўйсунгай, деб амри худога.

(М.Шайхзода таржимаси)

Аслиятда эса “худо” сўзи йўқ, “heaven” (кўк) сўзи бор, холос. Диний эътиқод кучли бўлган Ўрта асрлардан фарқли ўлароқ Европа Ренессанси моддиюнчи ва салкам даҳрий эди.

Ромео ва Жульетта оташин ошиқ-маъшуклар-ку, нега улар ишқини хавосс, хослар ишқига киритмаслигимиз керак, деган савол туғилиши мумкин. Яна Ҳазрат Навоийга мурожаат қиламиз: “Ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий пок жамолидин баҳра олмоқ”. Бундаги “маҳбуби ҳақиқий” Яратган бўлиб, Шекспир трагедияси қахрамонлари бу ғояга яқин ҳам келмайдилар.

Агар биз шу жабҳада “Ромео ва Жульетта”ни Шарқнинг буюк ишқ достони, бизнинг “Лайли ва Мажнун”имиз билан солиштирсак, қандай манзара ҳосил бўлади? Ҳазрат Навоий достони бошланишида Яратганга ҳа бобида шундай байт бор:

Ҳар сориқим қилиб тажалли,

Ул мазҳар ўлуб жаҳонда Лайли.

Яъни, Сен қаерда жилва қилган бўлсанг, ўша жилва жаҳонда одамларга Лайли тимсолида кўринади.

Демак, Лайли бир мазҳар, тимсол, чин ва асл жилва соҳиби эса Яратган Аллоҳдир. Эътиборлиси шундаки, Лайли ўлими тасвирида ҳам, Мажнун ўлими тасвирида ҳам “руҳ” сўзи ҳозир у нозир. Масалан, Лайли ўлими олдидан онасига васият қилиб,

⁶ Шекспир У. ПСС. В 8-и т. Т. 3. М.: Искусство, 1958. С. 523.

Чун рух ила рух топти пайванд,
Бир махд аро ётдур икки фарзанд.

деса, жонсиз келин ва ўлик куёвни тобутга солганларида шундай байт янграйди:

Кирди икки жисм бир кафанга,
Йўқ, йўқ, икки рух бир баданга.

Демак, Лайли ва Мажнуннинг пок ишқи рухга, ундан сўнг Олий рухга вобасталиги бу ишқ ҳавослар ишқига мансублигини тйин этади. Зеро, бу ерда Ҳазрат Навоий айтмиш “Маҳбуби ҳақиқий”нинг ғайбона иштироки бор. “Ромео ва Жульетта”га келсак, унда бундай иштирок йўқ.

Коинотнинг бор мазмун – моҳияти Яратганга муҳаббатдир.

Яна парапсихолог С.Н.Лазаревга мурожаат қиламиз:

“Ромео ва Жульетта – учун инсоний бахт, яъни жисмоний, руҳий ва нафсоний лаззат муҳаббат туйғусидан беҳад устун. Шунинг учун улар ҳар бири яқин одамани йўқотгач, чидолмасдан, ўйлаб ҳам ўтирмай ўзини ҳалок қилади. Вужудни олий мақсадга, ҳаёт мақсадига айлантирдилар. Вужудни шоҳсупага кўтариб, унга сиғиндилар. У эса пинҳона қалбни эмира бошлайди, шакл моҳиятнинг бошига етади”⁷.

С.Н.Лазарев яна ёзади: “Агар Ромео ва Жульеттадан фарзанд туғиладиган бўлса, у муқаррар шайтонийликка ва қалб инқирозига мойил бўларди, албатта”⁸.

Бу буюк асар ҳақида кутилмаган ва жуда вазмин гаплар. Демак, бундан “Ромео ва Жульетта”ни инсоний ва бадиий буюк асар ҳисоблаб, ундан завқ-шавқ туяётган башарият, хусусан Ғарб олами вужуд, тан ботқоқига ботган эканда, деган мудҳиш хулоса чиқади. Ва бундай хулосага жиддий асослар ҳам бор. Зеро Ғарбнинг ғариб аҳволи, бузук ахлоқини билиб, эшитиб турибмиз –ку ахир.

Айрим хулосаларимиз:

1. Жаҳон адабиёти дурдонаси В.Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта” трагедияси – Ғарбнинг ишқ достони Ҳазрат Навоийнинг ишқ концепцияси мезонлари билан ўлчанганда, у илоҳий таянч Аллоҳ ғоясидан маҳрум экани аён бўлади. Дунёвий, Шарқча айтганда, мажозий ишқ ишқи ҳақиқий томон юксалгандагина маънавий мукаммал асар вужудга келиши мумкин.

2. Яратганга муҳаббат ғояси маънавиятнинг асоси экан, бадиий мукаммал асар ҳамиша ҳам маъновий мукаммал асар бўлавермайди. Бунинг учун у қай бир жиҳати билан илоҳий ҳақиқатга эш бўлмоғи лозим.

⁷ Лазарев С.Н. Человек будущего. Воспитание родителей. С. 111.

⁸ Шу ерда. 111-бет.

3. Ҳазрат Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида тасниф қилган ишқ қисмлари бир-биридан кескин фарқланмай, ўзаро чамбарчас боғлиқ. Шундай боғлиқликни буюк ҳикмат – Аллоҳнинг иродаси бор. Уни ич-ичдан тадқиқ этиш навоийшуносликнинг галдаги вазифаларидан.

